

# **Олтинсой тумани ҳокими Джумаев Алишер Турабовичнинг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида туман аҳолисига МУРОЖААТИ**



**Ассалому алайкум, азиз юртдошлар, ҳурматли олтинсойликлар!**

Юртимизда ҳар бир соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар замирида инсон қадри ётади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ана шундай ислоҳот одимларидан бири эканлигини барчамиз кўриб турибмиз.

Мухтарам Президентимиз томонидан 2021 йил 2 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор селектор йиғилишида берилган топшириқларига асосан юртимизда қанот ёйган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатига олтинсойликлар биринчилардан бўлиб қўшилдилар.

Ушбу ҳаракат доирасида Олтинсой туманида **1,2 миллион** туп мевали ва манзарали дараҳтлар ва буталарни экишни режа қилиб белгиладик.

Тумандаги катта йўллар атрофига, боғдорчилик хўжаликларига, фермерларнинг дала четларига, ташкилот ва корхоналар, мактаблар, боғчалар ҳовлисига экиладиган кўчатларни қатъий ҳисоб-китоб килиб олдик.

Туманимизда **184 минг** аҳоли бўлса, ҳар бир оила жон бошига 10 тупдан мевали ва манзарали дараҳтлар кўчатлари, каламчаларини экиб, кўчатзор ва боғлар барпо қилиш, буталар экиб, яшил майдонлар ҳосил қилиш бўйича катта ташаббус бошланди.

2021 йил охирига қадар туманда 1 миллион туп дараҳт кўчатларини экдик. Йил охиригача бу борадаги режани 100 фоизга бажаришни ният қилиб турибмиз.

Бунда тумандаги барча ташкилот раҳбарлари, фукаролар, туман фаоллари, қишлоқ хўжалиги ходимларига сұяномаиз ва ишонамаизки улар бизга яқиндан кўмакчи бўладилар.

## **Ҳурматли олтинсойликлар!**

Кўчат экиш, боғ яратиш — халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Фарзанд туғилганда дараҳт экиш, ҳовлида боғ барпо қилиш, уларда эгалик ҳиссини уйғотади.

Биз жойларда аҳоли вакиллари билан мулоқотлар, учрашувлар чоғида кўчат экиб, боғ яратинг, келажак авлодларга намуна кўрсатинг, деб тарғиб қиласяпмиз. Халқимиз бизнинг чақириғимизга лаббай деб жавоб бераяпти.

Олтинсой туманида бу йилги баҳор мавсумида 667 минг 100 дона мевали ва манзарали дараҳтлар кўчати экилади. Экологик ҳудудни яхшилаш учун туман худудида 3,3 гектар майдонда 2 та “Яшил боғ”лар ва 7,6 гектар майдонда 2 та “Жамоат парклари” ташкил этилади.

Яшил маконни барпо этиш — бугунги глобаллашиб бораётган даврда канчалик долзарб эканлигини барчамиз яхши тушуниб турибмиз.

Шундай экан бу эзгу ташаббусга қўшилиб, халқимизнинг экологик тоза мусаффо ҳаводан нафас олишига замин яратайлик.

## **Кадрли маҳалла фаоллари, туманимиз фидойилари ва азиз ёшлар!**

Куни кеча, 2022 йил 2 февраль куни мухтарам Президентимиз томонидан ўтказилган навбатдаги видеоселектор йиғилишида “Яшил макон”ни доирасидаги ишларимизни янада жадаллаштириш борасида долзарб вазифалар қўйдилар.

Халқимиз учун яшил макон яратиш, экилган ниҳолларни асраб-авайлаш, парваришилаш, суғориш, озиқлантириш, чорва молларининг пайхонларидан сақлаш масалалари биринчи галдаги вазифа этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлаб, янгидан янги кўчатлар экиш ва уларни парваришилашда барчамиз фаол иштирок этайлик.

## **Боғ яратиб биргаликда она юртимизни обод қиласяйлик!**